


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 3 июнь, № 106 (6036) Сешанба


# ХАЙР, НАМАНГАН, ЖИЗЗАХДА КЎРИШГУНЧА!

*Наманган шаҳрида ўтказилган ёшлик, камолот ва спорт байрами — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг “Баркамол авлод — 2014” спорт мусобақалари республика босқичи унинг барча иштирокчиларига олам-олам қувонч, ҳаяжонли онлар ҳамда унутилмас таассуротларни туҳфа этди.*




Президентимизнинг “Баркамол авлод” спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табриги мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасида эканининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди. Табрик барча юртдошларимизда, хусусан, ёшларда, мезбон вилоят аҳлида чексиз ғурур ҳамда ифтихор ҳиссини уйғотди. Унда юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти ҳақида фикр билдирилар экан, олдимизга қўйилган олий мақсадларга эришиш барчамиздан оғир ва машаққатли меҳнатни, катта синовлардан ўтиш, бошлаган йўлимизни давом эттиришни, фидойиликни, бир ёқадан бош чиқариб, бирдамлик билан ҳаракат қилишни, курашишни талаб этиши алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, биз учун истиқлолнинг қадри ниҳоятда баланд. У тинч ва фаровон ҳаёт кечириш, орзу-истакларимиз рўёбини кўриш имконини берди. Қаддимизни тиклаб, эртанги кунимизга бўлган ишончимизни мустаҳкамлади. Шу боис ҳам энг бебаҳо неъмат — мустақиллигимизни асраб-авайлаш, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида фидойилик кўрсатишни ўз бурчимиз, деб биламиз. Айниқса, келажагимизнинг муносиб давомчилари бўлган ёшларимиздан умид катта. Бинобарин, Президентимиз табригида қайд этилганидек, “Биз кўзлаган юксак марраларга эришишнинг энг катта, энг муҳим шарти ва омили — бу аввалambор ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, мана шу муҳташам стадионда тўпланган сизлар каби минг-минглаб ёшларимиз, ўз фарзандларимиздир.

Биз орзу қилган, биз интилаётган буюк келажагимизни қуришда, барпо этишда биз сиз, азизларни энг катта ишончимиз, энг катта таянчимиз, деб биламиз”.

(Давоми 4-бетда).

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Фарзанд — оила қувончи, жамият таянчи. Шунинг учун ҳам “Бола азиз, одоби ундан азиз” деганларидек, халқимизда ўғил-қизларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш энг улуғ ҳамда муқаддас мақсад саналади.

# Келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори

Бинобарин, Президентимиз раҳнамолигида эртамиз эгаларининг камолотини ўйлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юртимизда навқирон авлод тақдири нечоғлик юксак эътибор ва ғамхўрлик оғушида эканлигини англатади. Бундай эъзоз ҳуқуқий жиҳатдан ҳам мустаҳкамланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида қайд этилганидек, “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради”. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасида ҳам боланинг ҳуқуқий кафолатлари ҳақида сўз юритилган.

Ҳамма нарса таққосда кўзга яққол ташланади. Бугун мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига бормайлик, у ерда болаларга кўрсатилаётган эъзоздан қувончимиз ортади. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 1 июлдаги “2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг бош мақсади оилани мустаҳкамлаш, халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга қаратилган.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши болалар ҳамда ёшларнинг манфаатларини ҳимоялаш, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришдан иборат. Давлат дастурида ҳам, аввало, соғлом насл, соғлом она ва бола йўналишидаги ишларни амалга ошириш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иштиёқини шакллантириш назарда тутилган.

Айтиб ўтиш керакки, ушбу йўналишда бошқа йилларда бўлганидек, 2013 йилда ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Мисол учун, болалар ва ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўлиқ таъминланди.

(Давоми 2-бетда).

Лаод Камолуддин:

# «Юртингизда улуғ аллома ва мутафаккирлар меросига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром таҳсинга сазовордир»

*15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференция якунлари мамлакатимизнинг Жакартадаги дипломатия ваколатхонасида Индонезия университетлари форумининг раиси Лаод Камолуддин билан бўлиб ўтган учрашув чоғида муҳокама қилинди.*

## ДУНЁ НИГОҲИ

У шундай муҳим халқаро конференцияда иштирок этишга таклиф қилингани ҳамда нафақат Осиёнинг, балки бутун дунёнинг энг гўзал мамлакатларидан бирига бориш имконияти яратилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этди. Олимнинг фикр билдиришича, ўзбек халқи ўз аждодлари — замонавий илм-фан ва цивилизация тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк олимлари ва мутафаккирлари билан фахрланишга ҳақлидир.

Лаод Камолуддиннинг қайд этишича, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, ал-Беруний, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек қаламига мансуб илмий асарлар бутун дунё ҳамжамияти учун узоқ йиллар давомида тиббиёт, математика, алгебра, астрономия, география, геодезия ва бошқа йўналишларда “йўлларни ёритгувчи машъала” сифатида хизмат қилди.

Шунингдек, индонезиялик олим Ўзбекистоннинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларда қўлга киритган муваффақиятларини ҳам юқори баҳолади.

— Тошкент замонавий мегаполисида ва кўҳна Самарқанд шаҳрида бўлган чоғларимда истеъдодли ўзбек ёшлари билан суҳбат қурар эканман, маънавий меросни авайлаб асраш ҳамда ўсиб келаётган авлод вакилларини кўп асрлик миллий анъаналарга ҳурмат-эҳтиром ва садоқат руҳида тарбиялаш юзасидан мамлакатингиз олиб бораётган сиёсат naқадар тўғри эканлигига яна бир бор амин бўлдим, — деди у. — Юртингизда таълим соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилгани, Шарқнинг улуғ аллома ва мутафаккирлари ҳамда давлат арбоблари сиймоларига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Мен Самарқанддаги тарихий меъморий обидалар орасида мадрасалар кўп эканлигини пайқадим. Бу юртингизда азал-азалдан, яъни ўзбек халқи ҳаётида тарихан илм-фанга эътибор катта бўлганидан далолат беради. Темурийлар тарихи Давлат музейи билан танишув ҳам менда катта қизиқиш уйғотди. Унинг пештахталаридан буюк сулола даврига оид жуда кўп осориатиқалар жой олган. Қисқача айтганда, мамлакатингиздан олам-олам таассуротлар олиб қайтдим.

Учрашув якунида Лаод Камолуддин Индонезия университетларидан бирида “Ўзбекистон бурчаги” ташкил қилишни режалаштираётганини айтди. У, шунингдек, Ўзбекистон ва унинг тарихи, юртимизда яшаб, ижод қилган буюк олим ва мутафаккирлар ҳақида китоб ёзиш ниятида эканлигини ҳам маълум қилди.

**«Жаҳон» АА.**

# Иқтисодий ислоҳотлар ва юксалиш мезони

*Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида юртимизда яратилган ишбилармонлик муҳити ҳолати қулай инвестициявий иқлимнинг ғоят муҳим таркибий қисми эканлиги, сармоясиз тараққиёт йўқлиги, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмаслиги алоҳида айтиб ўтилган эди.*

## СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан ушбу устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни умумлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида “Тизимли ва фаол инвестициявий фаолият: ҳуқуқий асослар ва янада ривожлантириш йўллари” мавзуида семинар ўтказилди.

Тадбирда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари, тадбиркорлик тузилмалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экспертлар қатнашди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА



ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

*Яккабоғ туманидаги “Asaka Investment” масъулияти чекланган жамиятига ўрнатилган илғор дастгоҳлар нафақат маҳсулот тайёрлаш, балки уларнинг сифатини автоматик равишда назорат қилиш имконини ҳам беради.*

### Маҳсулот сифатини дастгоҳлар назорат қилади

Мазкур жараён компьютерлар хотирасига киритилган махсус дастур орқали амалга оширилади. Яъни маҳсулот сифат кўрсаткичлари белгиланган меъёрларга мос келмаса, қурилмалар овозли ҳамда чироқли сигналлар орқали операторларни огоҳлантиради.

— Ҳозир замонавий технологияларимиз ёрдамида пахта толасидан пневмокардли тўқув калава иплари тайёрлаяпмиз, — дейди муҳандис Учқун Ҳамраев. — Жорий йилнинг дастлабки чорагида 330 тонна маҳсулотни буюртмачиларга етказиб бердик. Келгусида ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтиришни режалаштирганмиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Қўшимча тармоқ ва янги имконият

*Булоқбоши туманидаги “Фаррух-Фарҳод текстиль” корхонаси жамоаси ўз маҳсулотлари харидоргирлигини оширишнинг самарали йўлини танлади. Бу ерда тайёрланаётган кийим-кечаклар таннархини пасайтириш мақсадида қўшимча тармоқ — мато тўқиш цехи барпо этилди.*

— Ҳозир хом ашё тўлиқ ўзимиздан чиқаяпти, — дейди корхона раҳбари Эгамберди Собиров. — Газламаларнинг эҳтиёждан ортган қисми эса бошқа турдош корхоналарга етказиб берилмоқда. Эътиборлиси, янги лойиҳа шарофати билан мавжуд иш ўринларимиз сони уч баробар ортди. Яъни жамоамиз сафига касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 18 нафар ёш келиб қўшилди.

Айни пайтда тадбиркор ташқи бозорга чиқиш мақсадида изланишлар олиб бормоқда.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Биноларга кўрк бағишлайди

*Профнастиль — юртимиз қурилиш бозорига кириб келган янги маҳсулот тури. У қисқа муддатда бунёдкорлик жараёнида кенг қўлланиладиган хом ашёлардан бирига айланди. Шу боис юртимиз ишбилармонлари ушбу материални маҳаллийлаштиришга муваффақ бўлдилар.*

Чунончи, яқинда Амударё туманидаги “Махсуд ўғли Раҳматжон” масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан замонавий профнастиль-томёпқичлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Маҳсулотимиз енгил, ҳар қандай иқлим шароитига чидамли ҳамда ёрқин рангларда бўлгани сабабли биноларга ўзига хос жозиба бағишлайди, — дейди тадбиркор Махсуд Абдуллаев. — Уни ишлаб чиқаришда банк томонидан ажратилган 60 миллион сўмлик кредит асқатди. Ҳозир томёпқичларни буюртмачи истагига кўра турли ўлчамларда ишлаб чиқараяпмиз. Хусусан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар учун 200 миллион сўмлик дастлабки маҳсулотимизни етказиб бердик.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Ер ости сувлари ёрдамида совитилади

*Урганч давлат университети олимлари ёз фаслида тураржой ва офис биноларини ноанъанавий усулда совитиш технологиясини яратишди. Унга кўра, ҳаво ҳарорати мўътадиллигини таъминлашда ер ости сувларидан фойдаланилади.*

Маълумки, 8-10 метр чуқурликдан насос ёрдамида тортиб олинган сув цельсий шкаласи бўйича ўрта ҳисобда +15 даражага эга бўлади. Шундан сўнг у кичик вентилятор жойланган иссиқлик алмашиниш қурилмасидан ўтказилади. Натижада 15-16 даража ҳароратдаги сув махсус найлар устидан ўтган ҳавони совитиб, хонада 20-25 даражагача бўлган ҳарорат таъминланади. Эътиборлиси, мазкур жараёнда фойдаланилган сув ер остига қайтарилиши ёки экинларни суғоришда қўлланилиши мумкин.

Айни пайтда ушбу камхарж ҳамда экологик жиҳатдан безиён технология Урганч давлат университети спорт залларида қўлланилмоқда. Лойиҳа Ўзбекистонда Глобал экологик жамғарманинг Кичик грантлар дастури доирасида амалга оширилди.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## Жорий йилнинг I чорагида мамлакатимизда янгидан ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони

**7,8** фоиз ўсди.

Кичик корхоналарнинг асосий қисми иқтисодиётимизнинг саноат, савдо ва умумий овқатланиш соҳаси, шунингдек, қурилиш тармоғида ташкил қилинган бўлиб, бу кейинги йилларда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга доир қабул қилинган ҳужжатлар ижроси изчил таъминланаётгани натижасидир.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

*Маълумки, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш масалалари умуммиллий қадриятларимизнинг асосини ташкил этади. Зеро, халқимиз мустаҳкам оила барпо этиш, ўғил-қизларини ҳар томонлама етук қилиб камол топтириш, уларнинг бахтидан қувонишдек эзгу фазилатларга таянади.*

# Бола ҳуқуқлари кафолати

Бинобарин, фуқаролар хоҳиш-иродасини ўзида акс эттирган Конституциямизда болалар ҳуқуқларига алоҳида урғу берилган. Унда ҳар бир боланинг жинсидан, ирқидан, миллатидан, тилидан, диний қарашлари ва эътиқодларидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланган. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги белгиланган. Давлат эса етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш ишларини ўз зиммасига олган. Бундай конституциявий нормалар мамлакатимизда ҳеч бир бола эътибор, меҳру муҳаббатдан четда қолмаганининг ёрқин намоёнидир. Соҳага доир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилиниши, тегишли қонунчилик ҳужжатларининг кучга кириши асосида мазкур ҳуқуқий тамойиллар янада такомиллаштирилди.

Чунончи, истиқлол йилларида болалар ҳуқуқлари ва манфаатларига тааллуқли барча халқаро шартномалар ратификация қилинди. 2008 йилда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун кучга кирди. Унда болаларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда ота-оналар, маҳалла, таълим муассасалари, давлат органлари ва кенг жамоатчиликнинг вазифалари, умуман, бу борада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатиб ўтилди.

Ўз навбатида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида вояга етмаганлар учун алоҳида ҳуқуқлар назарда тутилган. Улар белгиланган тартибда диспансер назоратида бўлиш ҳамда болалар ва ўсмирларнинг даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш, санитария-гигиена таълими олиш, ўқиш ҳамда ўзларининг физиологик хусусиятлари ва соғлиғига мос шароитларда меҳнат қилиш, соғлиқлари тўғрисида ўзлари учун қулай тарзда зарур ахборот олиш каби ҳуқуқларга эгадир. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор вояга етмаганларга эса алоҳида имтиёз ва шароитлар яратилган.

“Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасида 16 ёшга тўлмаган болалар, шунингдек, ногирон ва етим болаларга спорт ҳамда соғломлаштириш хизматлари бепул кўрсатилиши белгилаб қўйилган. “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Қонунда нафақат вояга етмаганлар, балки йигирма ёшга тўлмаган шахсларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг салбий таъсиридан сақлашга доир нормалар ўрин олган. “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВни юқтириб олганлар, касаллик босқичидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳар ойлик ижтимоий нафақа ва ногирон болалар учун имтиёзлар олиш ҳуқуқи берилган.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Жиноят, Меҳнат кодекслари, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи кўплаб нормалар мавжуд. Айниқса, болаларга нисбатан содир этиладиган ҳар қандай жиноят учун жазолар кучайтирилган. Ота-оналар ёки бошқа шахсларнинг ўз тарбиясидаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузишлари, уларни тарбиялашдан бўйин товлашлари, вояга етмаганлар билан уларнинг соғлиғига зарар етказадиган даражада шафқатсиз муносабатда бўлишлари учун ҳам қонун ҳужжатларида тегишли жавобгарликлар кўзда тутилган.

Кейинги йилларда дунё ҳамжамиятини одам савдоси балоси катта ташвишга солаяпти. Шу сабабли, мамлакатимизда ушбу офатга қарши кураш, айниқса, болаларни бундай хавфдан асрашга қаратилган самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Жиноят кодексида бундай ғайриинсоний жиноят учун жавобгарлик кучайтирилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги Протоколи ратификация қилинди.

Албатта, бу борада Оила ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига киритилган ўзгартишлар ҳам муҳим аҳамият касб этди. Чунки шу асосда фарзандликка олиш фақат судлар орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Бу эса болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоялашга хизмат қилади.

Шу ўринда болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида алоҳида тўхталиш жоиз. Конституциямизнинг 41-моддасида бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда мазкур тамойил бугунги кунда нафақат умумий ўрта, балки ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимида ҳам рўёбга чиқарилмоқда. Соҳада эришилаётган муваффақиятлар эса дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётгани барчамизни қувонтиради.

Буларнинг шарофати билан Ўзбекистон қарийб юз фоизлик саводхонлик даражаси билан дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари сафидан жой олди. Таълим етти тилда олиб борилиши, биринчи синфдан бошлаб хорижий тиллар ўргатилиши диққатга сазовор. Ижтимоий муҳофазага муҳтож болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик юксак даражада, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Меҳрибонлик уйларида ҳам барча шарт-шароит яратилган.

Кўриниб турибдики, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, уларни жисмоний ва маънавий-руҳий вояга етишига путур етказадиган ҳар қандай зарардан муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Аммо бу борада яна бир мисол келтириш ўринлидир. Бизда болага ғамхўрлик нафақат дунё юзини кўрганидан бошлаб, балки ундан анча олдин бошланади. Хусусан, Оила кодексининг 17-моддасида никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиши назарда тутилган. Бундан кўзланган мақсад бўлажак оналарнинг саломатлигини мустаҳкамлаш асносида боланинг соғлом туғилиш ҳуқуқини таъминлашдир. Бу борада қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар асосида қатор амалий ишлар олиб борилаётир.

Жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши, шу номдаги Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши муқаддас саналган болалар ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган тизимли саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир. Зотан, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишларидек эзгу ниятларни амалга оширишга барчамиз масъулмиз.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

# Иқтисодийислоҳотлар ва юксалиш мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилганидек, юртимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва қулай инвестиция ҳамда ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, чунончи, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги таъминланиб, маҳаллий ва хорижий инвесторларга қатор имтиёз ҳамда преференциялар тақдим қилинди. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётига четдан молиявий маблағлар жалб этишга, пировардида юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Сенаторлар иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация этиш, бизнеснинг ҳозирги инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий асослар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада яхшилашни ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини таъкидлашди. Шу жиҳатдан Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга, қулай инвестиция иқлимини яратишга, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлигини оширишга, шу асосда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, иш ўринлари ташкил этиш ҳамда иқтисодиётнинг хусусий секторида аҳоли бандлигини ошириш учун шароитни тубдан яхшилашга қаратилган.

Муҳими, мамлакатимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва қулай инвестиция ҳамда ишбилармонлик муҳити туфайли чет эллик инвесторлар, нуфузли халқаро молия институтлари мамлакатимиз бизнес доиралари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Нефть ва газ соҳасида дунёдаги ғоят йирик инвестициявий лойиҳалардан бири — Устюрт газкимё мажмуаси бунинг ёрқин намуналаридан биридир.

Семинарда кўрсатиб ўтилганидек, 2013 йилда ва жорий йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикасида, энг аввало, кичик бизнес соҳасида, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат ва енгил саноат ҳамда бошқа тармоқларда 328 та ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилган. Бунда, айниқса, транспорт инфратузилмасини, сув билан таъминлашни, уй-жойларни, соғлиқни сақлашни ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган инвестициялар етакчи ўрин эгаллади. Биргина автомобиль йўлларини ҳамда йўлбўйи инфратузилмасини қуриш ва реконструкция қилишга 2013 йилда 60 миллион АҚШ долларидан ортиқ миқдорда маблағ ўзлаштирилган.

Парламентимиз томонидан тасдиқланган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларига мувофиқ, 2012 ва 2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида 98,7 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган. Шундан 44,7 мингдан ортиқ иш ўрни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Беш мингга яқин иш ўрни транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ҳамда қурилишни жадал ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ташкил этилган. Агар ҳудудда 2012 йилда тўғридан-тўғри жалб қилинган молиявий маблағлар ҳажми 156,3 миллион АҚШ долларидан иборат бўлса, 2013 йилда мазкур кўрсаткич 177,1 миллион АҚШ долларига етди.

Семинарда Қорақалпоғистон Республикасининг инвестиция имкониятлари ҳамда салоҳиятидан янада тўла ва оқилона фойдаланиш, инвестиция ҳамда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, ижро самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар баён этилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

• Тошкентдаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида “Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!” шиори остида ўтказилаётган ҳафталик доирасида байрам тадбири ташкил этилди. Боғдаги қувноқ сайил давомида “Тинчлик бўлсин дунёда” мавзуида асфальтга расм чизиш танлови, “Сиз қонунни биласизми?” интеллектуал беллашуви, спорт мусобақалари ўтказилди.

**• Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида фуқаролар йиғинлари ва ҳудудий профилактика инспекторлари ўртасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий конференцияда шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, соҳага оид қабул қилинган қонун атрофлича таҳлил этилди.**

• Қашқадарё вилоятидаги Касби, Китоб ва Шаҳрисабз туманларининг чекка қишлоқлари — Юқори Майманоқ, Варганза, Комилондаги таълим ва тиббиёт муассасаларига қуёш батареялари ўрнатилди. Ушбу лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги “2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг “Эко-энергия” илмий тадқиқот маркази томонидан амалга оширилди.

**• Ўзбекистон давлат консерваториясида миллий рақс ижрочилари республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Финал босқичда иштирокчилар миллий санъатимиз хазинасидан ўрин олган мафтункор рақслар билан бирга, замон талаблари асосида янгидан саҳналаштирилган рақсларни ҳам ижро этди.**

• Тошкент шаҳар планетарийсида пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган болалар ва кам таъминланган оила фарзандларига бағишлаб “Бола қувончидан гўзалдир олам” шиори остида хайрия тадбирлари уюштирилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталиклар ва ривожланишдаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди, деганидир. Мухтасар айтганда, “Она ва бола скрининги” дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ривожланишда нуқсони бор болаларнинг туғилиши 2000 йилдагига нисбатан 1,8 марта камайди.

Қолаверса, аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келиши ҳам мазкур тизимда эришилган катта ютуқларимиздан биридир.

Мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ҳам туб мазмун-моҳиятига кўра, навқирон авлод вакилларининг чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга бўлишини таъминлашдек эзгу мақсадга қаратилган. Муҳими шундаки, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури доирасида бажарилаётган улуғвор бунёдкорлик ишлари мунтазам давом этмоқда. Жумладан, 2013 йилда ҳам таълим-тарбия соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди. Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йили 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 умумтаълим мактаби реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди. Ўтган ўқув йилидан бошлаб эса умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизими жорий этилди. Негаки, жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмаслиги барчамизга маълумдир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди. Телевидениеда чет тилларни ўргатиш бўйича қизиқарли ўйинлар дастурига эга бўлган махсус болалар маърифий каналлари ташкил қилинди.

БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда давлат бюджетидан ҳар йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига жалб этилади.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — “Инсеад” томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига қараганда, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта.

Буларнинг барчаси дилбандларимизнинг ёруғ истиқболини таъминлаш борасидаги буюк мақсад йўлида бажарилаётган ишларнинг ёрқин самарасидир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# «Касбим — фахрим»

*Самарқанд шаҳрида Тошкент, Қўқон, Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида “Касбим — фахрим” танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.*

ТАНЛОВ

— Тадбир икки босқичдан иборат бўлди, — дейди Самарқанд темир йўл транспорти коллежи директори ўринбосари Ирода Пардаева. — Яъни дастлаб ўқувчилар чилангарлик ва металлга ишлов бериш борасида эгаллаган назарий билимларини “Қўлигул уста”, “Моҳир пайвандчи”, “Иқтидорли электромонтёр” шартлари бўйича синовдан ўтказдилар. Иккинчи босқичда эса “Кичик темир йўлчи”, “Масъулиятли бошқарувчи”, “Соғлом фарзанд — соғлом юрт” номинациялари ғолиблари аниқланди. Шунингдек, ўқувчилар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, улар ижросидаги қўшиқ ва рақслар тадбирга ўзгача файз киритди.

Якунда ғолиб ҳамда совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар бўйлаб уюштирилган сайёҳат эса ўқувчилар ёдида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тутунга яширинган хатар

*XXI асрда инсоният бир қатор муаммоларга дуч келди. Биргина глобал исиш турли табиий офатларни келтириб чиқараётгани боис минглаб одамлар ҳаёти хавф остида қолмоқда. Мана шундай вазиятда инсон нафақат ўзини ўзи, балки табиатни ҳам асраб-авайлаши ниҳоятда зарурдир. Аммо таассуфлар бўлсинки, бундай эзгулик ўрнига иллатларга ружу қўйиш авж олаётир. Шундай иллатлардан бири чекишдир. Чекишга муккасидан кетиш оқибатида одамзод ўз умрини хазон қилаяпти, шу билан бирга, наслини ҳам хавф-хатарга қўймоқда.*

МУШОҲАДА

Бир қарашда оддий ҳолдай кўринган чекиш миллионлаб одамларнинг бошига етаётганини оддий назар билан илғаш қийин. Статистика маълумотларида келтирилишича, Ер юзида ҳар йили уч миллиондан ортиқ киши чекишга ружу қўйиши оқибатида ҳаётдан эрта кўз юмаркан. Бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 8 миллионга етиши тахмин қилинаётир. Шу боис айни пайтга келиб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кашандаликка қарши кенг курашмоқда. Бунга дунёнинг йирик ташкилотлари ҳам аралашаётганига эътибор қаратсак, муаммонинг нақадар долзарблиги ойдинлашади. Масалан, 1999 йил 24 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси бир овоздан тамаки чекадиганларни назоратга олиш Конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича резолюция қабул қилди.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. “Соғлом бола йили” Давлат дастури асосида ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги Қонунига асосан, йигирма ёшга тўлмаган фуқароларга шундай маҳсулотларни сотиш тақиқланган. Бундан кўзланган мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли иллатлар таъсиридан асраш, саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи тушунчаларини чуқур сингдиришдир.

Тамаки нафақат чекадиганлар, балки чекмайдиганларга ҳам зарар етказади. Яъни ундан ажралиб чиқадиган тутун саратон, юрак, ўпка касалликлари келиб чиқишига замин яратади. Ташвишли жиҳати, тутун болаларда ўткир респиратор касалликларини келтириб чиқаради ва бунинг оқибатида мурғак чақалоқларда сурункали касалликлар ёки тўсатдан ўлим оқибатлари кузатилиши мумкин. ЖССТнинг маълумотига кўра, дунёдаги 700 миллион бола тамаки тутунидан заҳарланган ва бугун улар бу иллатдан азият чекмоқда.

Кашандалик оқибатида қайд этиладиган ўлим миқдори бошқа гиёҳвандлик моддаларига нисбатан ўн уч баравар кўплиги ҳам унинг инсон организми учун нақадар хавфли эканлигидан далолат беради. Негаки, сигарет тутуни таркибида соғлиқ учун зарарли жуда кўп моддалар мавжуд. Булар орасидаги сианли бирикма кучли заҳар ҳисоблангани учун, асосан, ҳашаротларга қарши курашда кенг қўлланилади. Унинг асосини ташкил қилувчи никотиннинг 100-120 миллиграмми томир орқали танага юборилса, одам шу ондаёқ ҳалок бўлиши муқаррар. Шунча миқдордаги никотин эса, бор-йўғи, икки қути сигарета таркибида мавжуд.

2014 йил Президентимиз томонидан “Соғлом бола йили” деб номланди. Бунинг замирида ҳам келажак авлодни маънан баркамол, жисмонан соғлом этиб тарбиялашдек улуғвор мақсад мужассам. Зеро, ҳар бир киши ўз фарзандининг соғ-саломат, иллатлардан холи бўлиб вояга етишини истайди. Соғлом фарзанд эса соғлом ота-онадан туғилади. Шундай экан, ота-онанинг соғлом турмуш тарзига бирдек риоя қилишига кўп нарса боғлиқ.

Аммо минг таассуфлар бўлсинки, кейинги пайтларда аёллар орасида ҳам очиқчасига тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш кузатилмоқда. Тамаки тутуни таркибида ўсма (саратон) касаллигини юзага келтирувчи 50 дан ортиқ канцероген моддалар бор. Никотин жуда осонлик билан плацентдан ўтади ва шунинг оқибатида ҳомиладаги никотин фоизи онанинг қонидаги никотиндан анча юқори бўлади. Сигарета, папирос, трубка ёки сигара чекаётган вақтда жуда кўп, никотиндан ҳам зарарлироқ бирикмалар — угар гази, бензопирен ҳамда радиоактив моддалар нафас йўлларига ўтади. Уларнинг бир қисми она ва ҳомила организмида пайдо бўлади. Натижада онанинг қон айланиш тизимида сиқилиш ҳосил бўлади, ҳомила кислород танқислигига учраб, унинг ривожланиши секинлашади.

Бунинг таъсирида чекувчи оналардан туғилган болалар кўпинча камвазнли бўлиб, ҳаётга мослашиши қийинроқ кечади. Уларнинг марказий асаб тизимида нуқсонлар бўлади, тез-тез касалликка чалинувчанлиги билан ҳам ажралиб туради. Олимларнинг таъкидлашича, онанинг чекиши ҳомила ривожланишини икки маротаба қисқартиради.

Халқимизда “Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал”, деган нақл бор. Шундай экан, ҳар биримиз соғлом турмуш тарзига риоя этсак, ўзимизнинг юриш-туришимизни назорат қилсак, айни муддао бўлур эди.

**Қутбиддин НИЗОМОВ,**
**олий тоифали шифокор.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА

*Банк тизимини ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Кейинги йилларда банкларнинг ресурс базаси кенгайди, кўрсатилаётган хизматлар сифати тубдан яхшиланди. Айниқса, банк тизимининг ликвидлиги муттасил ошиб бораётгани унинг салоҳиятини мустаҳкамлади. Бинобарин, банк тизими жамиятимизда устувор бўлган “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун” тамойили асосида изчил фаолият юритиб, халқимиз ишончини оқлади. Унинг яқин кўмакдошига айланди.*

*Хусусан, жамиятимизда алоҳида қадр-қиммат, эъзоз ва эҳтиромга эга бўлган аёлларимизнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда, ёшларимизга ўз бизнес лойиҳаларини амалга оширишлари учун барча имкониятларни яратиб беришда мамлакатимиз банк тизими фаол қатнашиб келаётир. Айтиш жоизки, ушбу амалий жараён ҳақида кўплаб ижобий фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Биз улардан айримларини сиз билан ўртоқлашишни лозим, деб билдик.*



# ИШОНЧЛИ ВА САМАРАЛИ БАНК ТИЗИМИ

## фаровонлик ва кучли ижтимоий ҳимоя гаровидир

### Ишбилармонларга кенг йўл

*Ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмайди. Келажагимиз эгалари мустақил ҳаётга қадам қўяр эканлар, ҳамиша Президентимизнинг, халқимиз ва давлатимизнинг ғамхўрлигини, эътиборини, қўллаб-қувватлашини теран ҳис этадилар.*

Ўзим Қарши иқтисодиёт коллежида ўқиб юрган кезларимда республика Марказий банкидан бир гуруҳ мутахассислар келиб, амалий учрашувлар ўтказишганди. Шу учрашувлардан бирида тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича таклифимни билдирдим. Лойиҳамни Марказий банк ходимлари маъқуллашди. Тадбирда қатнашган “Ипотека-банк” раҳбари бизнес режамни кўриб чиқишини, коллежни битирганимдан сўнг эса уни ҳаётга татбиқ этишимга кўмаклашишини айтди. Ўтган йили таҳсилни тугатиб, “Косон ҳамкор сервис” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилдим. “Ипотека-банк”нинг 50 миллион сўмлик кредити эвазига пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган технология сотиб олдик.

Бугунги кунда ойига 350 — 400 мингта сифатли пишиқ ғишт ишлаб чиқариб, янги уй-жойлар қурилишларига етказиб бераяпмиз.

Кечагина коллеж ўқувчиси эдим, бугун хусусий корхона эгасиман. Даромадимнинг маълум қисмини маҳалламиз ободлигига сарфлаётганимдан бахтиёрман.

Коллежимизни тамомлаган аксарият ёшлар банклар кўмагида тадбиркорлик билан шуғулланиб, эл-юртга танилиб қолди. Аслида, бу ҳар бир ёшнинг орзуси, муроду мақсадидир. Халқ корига ярашни, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшишни астойдил ният қилади. Бу эзгу мақсадларимиз рўёбида бизга банклар мададкор. Бундан чексиз миннатдормиз.

**Исломбек АБДУНАЗАРОВ,**
**тадбиркор.**
Қашқадарё вилояти

### Тадбиркор аёлларнинг яқин ҳамкори

*Юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш ҳамда мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Илм-фан, тадбиркорлик, спорт ва санъат, қўйингки, қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, аёлларимиз эришаётган ютуқлар фахр-ифтихорга лойиқдир.*

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётгани уларнинг тараққиётимизга қўшаётган ҳиссаси нечоғлик салмоқли эканини тасдиқлайди.

Шу ўринда Президентимизнинг “Бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув идоралари, вакиллик органлари фаолиятида, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун имконият яратиш мақсадида олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз тобора кучайиб, ўз ҳосилини ва самарасини бераётгани айниқса эътиборлидир”, деган сўзларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Чунки давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ўтган 10 йил давомида тадбиркор аёллар сонининг кўпайишида, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларида муҳим дастуриламал бўлиб келмоқда.

Ўз навбатида, мазкур Фармон ижроси банк тизимида тўлақонли бажарилаётганлиги аёлларимиз тадбиркорлигини йўлга қўйишда, уларнинг ўйлаган мақсадларига эришишларида қулай шароитлар яратаяпти.

Айтиш керакки, опа-сингилларимиз тадбиркорлигини ривожлантиришда қандай амалий ёрдам сўрамайлик, банк тизими томонидан яқиндан кўмак кўрсатилиб, фаол ҳамкорлик қилинмоқда.

Республикамиз барча ҳудудларида тадбиркор аёллар иштирокида ўтказилаётган кўплаб амалий учрашувлар, бизнес-форумларни ташкил этишда Марказий банк биз билан ҳамнафас, ҳамқадам, десак, айни ҳақиқат.



Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими — барқарор, мустаҳкам, ишончли ва салоҳиятли тизимга айланиб бўлди. Авваламбор, кафолатланган фаолият, йилдан-йилга таклиф қилинаётган хизмат турларининг кўпайиб бориши, устав капиталларининг муттасил ўсиши, депозит ва омонат қўйилмалари ҳажмининг изчил ортиб бораётгани бунга асос бўла олади.

Бинобарин, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга тижорат банклари томонидан сўнгги 10 йил давомида йўналтирилган кредитлар ҳажми 30 баравардан зиёд ўсганлиги, юртимизда аёллар тадбиркорлигини юксак даражада ривожланаётганлиги, мамлакатимиз банк тизимида мазкур Фармон ижросининг тўлақонли равишда сифатли бажарилаётганлигидан далолатдир.

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 600 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Ушбу маблағлар тадбиркор аёлларимиз бизнес лойиҳаларини ўз муддатида амалга оширишларига ҳисса бўлиб қўшилаётгани эса, айниқса, таҳсинга сазовордир.

Юртимиз банк тизимининг бевосита иштирокида 130 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилгани, тадбиркорликни бошламоқчи бўлган 14 минг нафардан зиёд хотин-қизлар учун шу йўналишда семинарлар ўтказилгани ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг бир қисми, холос.

Яна бир эътиборли томони шундаки, Халқ банки ва “Микрокредитбанк” томонидан Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича Омонат кассалари жамғармаси билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилганидан биз ҳам манфаатдор бўлмоқдамиз. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида фаолият юритаётган тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2012/2013 йиллар мобайнида 525,0 минг евродан зиёд микрокредитлар йўналтирилди.

Умуман, тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар эвазига ишга туширилган юзлаб корхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларида минглаб янги иш ўринлари яратилганини алоҳида қайд этиш зарур.

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси республика Марказий банки билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар аёлларимизнинг жамиятда янада мустаҳкам ўрин топишларига, янгидан-янги марраларни дадиллик билан забт этишларига хизмат қилмоқда. Ишонаманки, бу ҳамкорлигимиз тобора кенгайиб, келгусида бундан-да самаралироқ ва кўламлироқ лойиҳаларни биргаликда ҳаётга татбиқ қилаверамиз.

**Гулнора МАҲМУДОВА,**
**«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси.**

### Молиявий барқарорлик асоси

*Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, беш тамойилга асосланган “ўзбек модели” салмоқли натижалари билан халқаро молия ташкилотларининг ҳақли эътирофига сазовор бўлмоқда.*

Шу асосда банк тизими ҳам изчил ривожланди. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тижорат банклари барча солиқ тўловларидан озод этилгани, пировардида улар ихтиёрида қоладиган маблағларни ўз инфратузилмаси ва моддий-техник базасини янгилаш учун йўналтиришларига кенг имконият берилиши банк тизими равнақида муҳим роль ўйнади.

Чунончи, тизимда олиб борилаётган ўзгаришлар молиявий барқарорликни таъминлаш, шу асосда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам таркибий янгиланишларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратаётгани билан эътиборлидир.

Бугун юртимиз ишончли ва кафолатли банк тизими самарали фаолият кўрсатмоқда. Бундай муваффақиятларга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Албатта, Президентимизнинг банк тизимининг замонавийлашувига, бошқарув тузилмаларининг такомиллашувига, моддий-техник базасининг шаклланишига қаратаётган юксак эътибори ана шундай юксак муваффақиятлар асоси бўлмоқда.

Хабарингиз бор, кейинги йилларда дунёда кечаётган кўплаб молиявий ва иқтисодий инқирозлар айрим мамлакатларнинг молия-банк тизимига салбий таъсирини ўтказмай қолмади. Шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистонда давлатимиз раҳбарининг инқирознинг олдини олиш борасида қабул қилган дастури ва тадбирлари молиявий барқарорлигимизни тўла-тўкис сақлаш имконини берди.

Ҳозир қаерга борманг, кимдан сўраманг, хоҳ у фермер, хоҳ у ўқитувчи ёки оддий фуқаро бўлсин, барча “Банк бамисли яқин дўстимиздек бирга ишлайди, ҳам маслаҳатгўй, ҳам мададкор”, дейди. Жумладан, ёшлар ҳам.

Марказий банк ташаббуси билан яқинда пойтахтимизнинг “Туркистон” саройида тадбиркорлар, хорижий инвесторлар иштирокида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига бағишлаб анжуман ўтказилди.

Ушбу нуфузли анжуманда қатнашиб, Фармон ва қарорда белгилаб берилган имтиёзлардан минглаб тадбиркорларнинг хурсандлигини кўриб, ушбу муҳим ҳужжатлар тадбиркорликни янги босқичга олиб чиқиши билан аҳамиятли эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Марказий банкнинг бундай нуфузли анжуманлари республиканинг барча ҳудудларида мунтазам ўтказиб борилаётгани бугунги кунда ўз самарасини бераётгани билан эътиборлидир.

Хизмат сафари билан жойларга борганимизда, банк ходимлари мижозлар манфаатини таъминлаш учун елиб-югураётганининг кўп бора гувоҳи бўлганмиз. Аҳоли билан суҳбатлашганимизда, уларнинг банкларга ишончи ортиб бораётганлигини, ажратилаётган кредитлар катта мадад бўлаётганлигини, иш ўринлари яратилишида қўл келаётганлигини доимо алоҳида таъкидлаб ўтадилар.

Аҳоли банкларда сақланаётган омонатларидан кўнгли тўқлигидан, келишилган муддатгача омонатлар салмоғи ошаётганидан мамнунлигини очиқ изҳор қилади. Сўрасангиз, “Банкларимиз ишончли, даромадли ва яхши хизмат кўрсатади”, деб кўнгли қувончга тўлиб гапиради.

Эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёшларимиз — молия муассасаларининг азиз меҳмони, қадрдони. Бу гапда умуман муболаға йўқ. Биргина мисол: касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга берилаётган имтиёзли кредитлар самараси барчага маълум. Ҳудудларда ёшлар билан ўтказилаётган учрашувларда имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини тақдим этувчи сертификатга эга бўлган ёшлар қисқа муддат ичида бизнесларини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар олаётгани оддий ҳолга айланди.

Табиийки, имтиёзли кредитлар ёшлар учун бошланғич сармояни шакллантириш ва ўз фаолиятини кенгайтиришга катта имконият яратаяпти, ўзини ва аҳолини иш билан таъминлашга ёрдам бермоқда.

Қисқаси, республика банк тизими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, қабул қилинган Давлат дастурларида белгиланган тегишли вазифалар ижроси тўлақонли бажарилмоқда.

Барча ишлар пировардида халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ва мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг янада равнақ топишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

**Раҳима ҚЎРҒОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

### Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

*Давлатимиз раҳбарининг жорий йил февраль ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ёшларнинг қувончига қувонч қўшди. Янада улкан имкониятлар, шарт-шароитлар яратди.*

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва республика Марказий банки ҳамкорликда кенг кўламли ишлар олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Хусусан, шу йилнинг март ойида “Менинг бизнес ғоям” лойиҳасини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Ёш тадбиркор” консультатив марказининг 20 нафар координатори, 70 нафар жамоатчи бизнес тренер иштирокида ўқувлар ўтказилди. Шу билан бир қаторда, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагини билдирган ёшларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар ҳам тақдим этилди.

Бундан ташқари, “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” ва “Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор” лойиҳалари ижроси юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш керакки, банк тизими томонидан ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг бандлиги таъминланаяпти. 2014 йилда коллеж битирувчиларига 160 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, шу йилнинг ўтган даврида 41,5 миллиард сўмлик кредитлар ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларига ва янги иш ўринлари яратилишига йўналтирилди.

Шу ўринда тижорат банкларида коллеж битирувчисининг микрокредит олиш учун таъминоти етарли бўлмаган тақдирда, Марказий банк тавсияси асосида яқин қариндошларининг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тақдим қилиш орқали кафиллик бериш амалиёти ҳам жорий этилганлиги ёшларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишларида муҳим омил бўлаётганини айтиш жоиз.

Жорий йилнинг апрель ойида Марказий банк ташаббуси билан ташкил қилинган банк хизматлари, технологиялари ва ускуналари “Bank Expo — 2014” миллий кўргазмасида ҳам ёшларга банк тизимининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, кўрсатилаётган хизматлар, кредитлар ажратиш тартиботлари, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳолатига оид маълумотлар берилди.

Тижорат банклари томонидан олий ўқув юртида шартнома асосида таҳсил олаётган йигит-қизларга Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмаган миқдорда кредитлар ажратиб келинаётганлиги ҳам уларга катта мадад бўлаяпти.

Шунингдек, бугунги кунда Марказий банк томонидан ҳудудларда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида яратилган имтиёзлар, шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, ҳокимликлар ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалий учрашув ҳамда семинарлар ташкил этилмоқда.

Мазкур учрашувларда чорвачилик, паррандачилик ва боғдорчиликни йўлга қўйиш бўйича тегишли ташкилотлар мутахассислари билан биргаликда тушунтириш берилаяптики, бу янги корхоналар ташкил қилишда амалий ёрдам бўлаётир.

Тадбирларда тижорат банклари мижозлари бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари мавжуд бўш иш ўринлари тақдимотини ўтказаётгани эса кўплаб ёшларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишига имкон яратаяпти.

Хулоса ўрнида айтганда, юртимиз банк тизими билан ҳамкорликда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида кўрилаётган барча саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Бу мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг ижроси натижалар бераётганлигидан ёрқин далолатдир.

**Алишер НАСРИТДИНОВ,**
**«Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши раиси ўринбосари.**

*Марказий банк материаллари асосида* **А. ҚУТБИДДИНОВ** *тайёрлади.*

# ХАЙР, НАМАНГАН, ЖИЗЗАХДА КЎРИШГУНЧА!



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда навқирон авлодга бўлган меҳр ва эътибор, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши йўлида амалга оширилаётган ишлар кўлами, ҳақиқатан ҳам, беқиёс. Шаҳару қишлоқларимиз чиройига чирой қўшиб турган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари бунга ёрқин мисолдир. Замонавий моддий-техник базага эга ана шу масканларда ёшлар 2-3 та мутахассислик бўйича касб сирларини, хорижий тилларни, интернет ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўзлаштиришади. Бундай кадрларга эса, албатта, иқтисодиётнинг барча тармоқларида эҳтиёж катта.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган миллий таълим моделининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, ўғил-қизларимизга энг илғор педагогик технологиялар асосида билим бериш қаторида, улар орасида спортни оммалаштиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилади. Бунда, айниқса, уч босқичли тизим — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинларининг ўрни ниҳоятда катта. Ушбу мусобақалар иқтидорларни кашф қилиш, улар тажрибасини ошириш, нуфузли халқаро турнирлар ҳақида тасаввурини бойитиш ва шу асосда профессионал спортчиларни тайёрлашга хизмат қиляпти. Ўзининг илк умидбахш ютуқларини мазкур спорт анжуманларида қўлга киритган ёшларимиз эндиликда Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон ҳамда қитъа чемпионатларида муносиб иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришмоқда. Қувонарлиси, уларнинг ютуғига ҳавас қилиб, бугун яна минглаб жажжи ўғил-қизлар спорт оламига кириб келаётир.

— Президентимиз биз, ёшларга доимо “Азиз болаларим, фарзандларим”, дея мурожаат қилганларида беқиёс меҳр тафтини ҳис этамиз, — дейди Қўқон педагогика коллежи ўқувчиси, бокс бўйича жаҳон чемпиони Бектемир Меликўзиев. — Давлатимиз раҳбарининг “Баркамол авлод” спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригини диққат билан тингладим ва айниқса, унда бир қатор тенгдошларим қатори менинг ҳам номим алоҳида тилга олиб ўтилганидан жуда ҳам тўлқинландим. Бундай эътибор, албатта, бизни янгидан-янги марралар сари руҳлантиради. Ҳозиргача жуда кўп мусобақаларда қатнашдим. Хусусан, шу йилнинг январь ойида Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида, Болгариянинг София шаҳрида ўсмирлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатида ғолибликка эришдим. Ўз совринларим орасида “Баркамол авлод”нинг олтин медали бўлишини жуда-жуда хоҳлагандим ва ана шу орзуимга ҳам етдим. Бундан хурсандман. Намангандан унутилмас таассуротлар билан қайтаяпман. Келгусида маҳоратимни янада ошириб, Олимпиада ўйинларида байроғимизни баланд кўтариш ниятидаман.

...Байрамона безатилган “Навбаҳор” стадионида “Баркамол авлод — 2014” спорт мусобақалари машъаласи порлаб турибди. Майдонни тўлдирган ёш спортчилар ва санъаткорлар мазкур спорт форумига бағишланган вокал-хореографик композицияни ижро этмоқда.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бошланди. Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келади. Уларни стадионга йиғилганлар олқишлар билан кутиб олишди.

“Баркамол авлод” — уч босқичли тизимнинг ўрта бўғини сифатида ёшларнинг катта спортга қадам қўйишида алоҳида аҳамиятга эга. Унда, асосан, бир неча йилдан бери спорт билан мунтазам шуғулланаётган, ўз олдига профессионал спортчи бўлиш мақсадини қўйган йигит-қизлар қатнашади. Уларнинг аксарияти “Умид ниҳоллари”да маҳоратини оширган иқтидор эгаларидир.

Ушбу беллашувларнинг қамрови тобора кенгайиб бораётгани диққатга сазовор.

**2011 йилда ўтказилган “Баркамол авлод” мусобақаларининг саралаш босқичида 700 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этган бўлса, 2014 йилда ушбу рақам**

**810000**

**нафарни ташкил этди.**

Яна шуни ҳам айтиш жоизки, бундан уч йил муқаддам Термиз шаҳри мезбонлик қилган баҳсларда ўсмирлар спортнинг 12 тури бўйича ғолиблик учун



кураш олиб борган эди. Наманган шаҳрида кечган навбатдаги финал босқичида 996 нафар ўғил-қиз спортнинг ўн олти тури — футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондо WTF, енгил атлетика, оғир атлетика, бадиий гимнастика, теннис, стол тенниси, сузиш ва шахмат бўйича ўзаро беллашди. Низомга мувофиқ, мусобақалар халқаро Олимпиада талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилди.

Уч босқичли тизимнинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, беллашувларга тайёргарлик жараёнида ҳудудлар инфратузилмаси янада ривожлантирилади. Наманганда ҳам “Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинлари республика босқичи бўлиб ўтиши муносабати билан жуда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Хусусан, Олий спорт маҳорати мактаби, Наманган муҳандислик-педагогика институти, “Дўстлик” теннис корти, Наманган олимпия захиралари коллежи ҳамда “Баркамол авлод” спорт мажмуасининг стадион ва заллари замон талаблари даражасига келтирилди. “Навбаҳор” марказий стадионида реконструкция ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, қатор таълим муассасаларининг талабалар тураржойларида шароитлар янада яхшиланиб, кўчаю хиёбонлар обод қилинди. “Наманган — гуллар шаҳри” деган таърифга монанд тарзда ҳududнинг ҳар бир гўшаси анвойи гуллар билан безалди. Бундай эзгу саъй-ҳаракатларга вилоят аҳли бир тану бир жон бўлиб ўз ҳиссасини қўшди. Бугун наманганликларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, спорт байрами таассуротларидан сўз очади, амалга оширилган бунёдкорлик ишларини фахр ила тилга олади ва буларнинг барчаси истиқлол меваси, тинчлик ва осойишталик натижаси эканлигини таъкидлайди.

Айтиб ўтиш жоиз, “Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинлари оммавий ахборот воситаларининг 140 нафардан зиёд ходими томонидан мунтазам ёритилди. Интернет тармоғида очилган www.barkamolavlod-2014.uz сайтида беллашувлар натижалари ҳақида ахборотлар, қизиқарли маълумотлар, иштирокчиларнинг энг ёрқин лаҳзалари акс этган фотолавҳалар, дил изҳорлари, таассуротлари ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, француз ҳамда немис тилларида бериб борилди.

“Баркамол авлод — 2014” дастури доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар — таниқли спортчилар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилди, вилоятнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил қилинди. Улар ёшларда алоҳида таассурот уйғотди.

Энг ҳаяжонли дақиқалар — ғолибларни тақдирлаш маросими бошланди.

Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Баркамол авлод” спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — “Дамас” автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Наманган ҳамда Самарқанд вилоятлари жамоаларига Президент совғаси — “Дамас” автомобиллари топширилди.

...Стадион узра мусиқа садолари янграйди. “Баркамол авлод” спорт ўйинларининг байроғи туширилади. Уни наманганлик ёш спортчилар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Жиззах вилояти вакилларига топширади.

Шундан сўнг “Баркамол авлод — 2014” машъаласи аста-секин сўндирилди. Лекин бу дамлар спортга ошно ёшлар қалбида бир умрга сақланиб қолиши, шубҳасиз.

“Баркамол авлод — 2014” ўйинларининг ёпилиш маросими спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ва санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди.

Мана шундай қувончли онларда мусобақа иштирокчилари давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ўтказилган мазкур спорт байрамига мезбонлик қилган наманганликларга алоҳида миннатдорлик билдириб, “Жиззах вилоятида кўришгунча”, деган эзгу ният билан хайрлашдилар.

“Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



## ТААССУРОТ

**Ислом БАҲРОМОВ,**
**Республика олимпия захиралари коллежи ўқувчиси, “Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинлари ғолиби:**

— Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган ва юксак мукофот — Давлатимиз раҳбарининг “Баркамол авлод” спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ҳамда Президент совғаси — “Дамас” автомобили билан тақдирланган Тошкент шаҳри жамоаси таркибида эканимдан қувончим чексиз. Ушбу муваффақиятга юнон-рум кураши бўйича ўтказилган баҳсларда ғолибликни қўлга киритиб, ўз ҳиссамни қўша олганим алоҳида ғурур бағишлади. Келажакдаги энг катта орзуим — Олимпиада ўйинларида қатнашиб, совриндор бўлиш ва Ватанимиз байроғини бошим узра баланд кўтариб, ана ўша майдон бўйлаб югуриш. Кўрасиз, астойдил машқ қилиб, албатта, бу мақсадимга эришаман.

**Нигина РАҲМОНБЕРДИЕВА,**
**Косонсой педагогика коллежи ўқувчиси, “Баркамол авлод — 2014” спорт мусобақалари бронза медали соҳибаси:**

— “Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинларининг республика босқичига вилоятимиз мезбонлик қилгани биз, Наманган ёшлари қалбида бир умр муҳрланиб қолди. Мусобақалар баҳонасида янги дўстлар орттирдик — Қорақалпоғистондан, Хоразмдан, Самарқанду Сирдарёдан, Андижондан, Фарғонадан, қўйингки, ҳар бир вилоятдан келган тенгқурларимиз билан танишиб, бир-биримизни худди анча вақтдан бери биладигандек иноқлашдик. Биргаликда маданий-маърифий тадбирларда иштирок этдик, концерт дастурларини томоша қилдик. Вилоятимизнинг диққатга сазовор жойларида суратларга тушдик. Шундай ажойиб онларни бошдан кечирдикки, бу дамлар бир умрга ёдимизда қолади.

Мен учун Наманганда ўтказилган мусобақалар яна бир жиҳати билан муҳим. Гап шундаки, қўл тўпи бўйича баҳсларда қатнашиб, жамоамиз билан учинчи ўринни эгалладик. “Баркамол авлод — 2014” ҳақида гап кетса, унинг бронза медалини совринларимнинг энг қадрлиси сифатида билишимни айтаман.

**Алишер НУРЖАНОВ,**
**Нукус олимпия захиралари коллежи ўқувчиси, “Баркамол авлод — 2014” спорт ўйинлари совриндори:**

— Мамлакатимизда биз, ёшларга қаратилаётган эътибор юксак даражада. Масалан, биргина ушбу спорт мусобақаларининг финал босқичига ташриф буюришимиз жараёнининг ўзи бунинг исботи. Қаранг, Наманганга замонавий самолётларда учиб келдик. “Наманган” халқаро аэропортида эса барча иштирокчилар карнай-сурнай садолари остида катта тантана билан кутиб олинди. Очилиш ва ёпилиш маросимларида халқимиз ардоғидаги санъаткорлар, ёш ижрочилар иштирокида намойиш этилган концерт дастурлари, мусобақалардан кейин ўтказилган маданий-маърифий тадбирларнинг барчаси бизга ҳузурбахш онларни туҳфа этди.

“Баркамол авлод” спорт ўйинлари дастурига илк бор киритилган таэквондо WTF бўйича баҳсларда совриндор бўлганимдан жуда ҳам мамнунман.

Биз, ёшларга мана шундай ажойиб имкониятларни яратиб бераётган, ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиздан миннатдормиз.

# Тасаввур олами

*Тасвирий санъат бошқа бадиий ижод йўналишларидан фарқли ўлароқ, ўз жозибаси ва оҳанрабоси билан кишини ўзига ром этиб, хаёлот оламига чорлайди. Шундай дамда асар қаршисида ўтирган санъатсевар қалб дафтарини варақлайди, унда ниҳон ётган энг ардоқли хотиротларни бирма-бир эслайди. Энг муҳими, ҳаётнинг абадийлигини, инсон унинг мангу шайдоси эканлигини дилдан ҳис қилади.*

## САНЪАТ



Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми Акмал Нуриддинов (Акмал Нур)нинг “Ҳис ва хаёл” номли ижодий кўргазмасида намойиш этилаётган бири-биридан бетакрор асарлари ҳам инсон тасаввурининг нақадар чексизлигидан далолат беради.

Йиғилганлар бугун мамлакатимизда тасвирий санъатни ҳар томонлама ривожлантиришга, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Айниқса, ўтказилиб келинаётган санъат фестиваллари, кўрик-танлов ҳамда кўргазмалар истеъдодли мусаввирларимизга янада ижодий қанот бағишламоқда. Акмал Нурнинг бу галги намойиш этилаётган ижодий кўргазмаси ҳам аввалгиларга ҳамоҳанг ҳолда, ижодкорнинг тасаввур эркинлигини ўзида мужассамлаштирган.

Рассомнинг икки юздан ортиқ асарлари тарихий воқеликлар билан бирга, мумтоз Шарқ лирикасининг ажойиб образларини кузатиш мумкин. “Кўнгилнинг сирли изҳори”, “Дард”, “Сайроқи қушлар”, “Туташув” каби асарлари ана шулар жумласига киради. Уларни кузатганингиз сайин, ижодкор дунёсини англагандек бўласиз.

**Д. АБДУРАИМОВ.**


• ЭЪЛОНЛАР •

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Ангор тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 25 октябрдаги 1-929-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани, «Таллимарон» ҚФЙ, Гиламбоб маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 66,99 кв.м. бўлган, бир хонадан иборат, бир қаватли китоблар савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 12 000 000 сўм.***

**2.** ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2013 йил 25 октябрдаги 1-929-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани, «Кайран» ҚФЙ, Кайран маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м. бўлган, 9 хонадан иборат, 1 қаватли тўйхона ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 9 мартдаги 19-1206/3389-сонли, 2013 йил 24 апрелдаги 19-1306/3447-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Ангор тумани, Ўзбекистон маҳалласи, Абдулла Қодирий кўчасида жойлашган, «Сурхондарё вилояти иссиқлик манбаи ишлаб чиқариш» бошқармасига тегишли, умумий ер майдони 1200,0 кв.м. бўлган қозонхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 467 000 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Сариосиё тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 6 июлдаги 19-1203/8578-сонли ва 2013 йил 28 июндаги 19-1307/6125-сонли ҳамда ФИБ Сариосиё туманлараро судининг 2012 йил 9 октябрдаги 2-4952-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сариосиё тумани, Шарғун шаҳри, Биринчи кичик даҳа ва Шахтёрлар кўчаларида жойлашган, «Сариосиё иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш корхонасига тегишли, умумий майдони 2980,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат 2 та қозонхона биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 11 853 000 сўм.***

Аукцион савдолари 2014 йил 3 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 1 июль куни соат 18.00.

**IV.** Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 16 январдаги 1-3570-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Улуғбек маҳалласида жойлашган, умумий майдони 172,48 кв.м. бўлган, 1961 йилда қурилган, бир қаватли, 4 хонадан иборат уй-жой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм.***

**V.** Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 13 мартдаги 19-1307/14183-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод шаҳри, Хужги маҳалласи, Билол Нозим кўчасида жойлашган, «Olg‘a» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 1385,94 кв.м. бўлган бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 88 000 000 сўм.***

**VI.** Аукцион савдосига Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 10 январдаги 19-1003/21332-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шеробод шаҳри, Дўстлик маҳалласи, Лутфий кўчаси, 12-уйда жойлашган, «Agrotexxizmat» ММТП МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 986,13 кв.м. бўлган, 12 хонадан иборат, 1 қаватли идора, омборхона ва ишлаб чиқариш цехи такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 117 247 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 18 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 16 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (8-376) 221-77-94. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

837R/1453

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 23 апрелдаги 78-сонида чоп этилган эълон билан аукцион савдоларига қўйилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига тегишли «Epica» русумли, давлат рақами 01/956AAA бўлган автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

***Савдодан олишга асос:*** Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг 2014 йил 27 майдаги 6-8/114-сонли хати.

**Телефон: (8-371) 228-79-52.**

844R/1452

**БИЛДИРИШ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 27 майдаги 102 (6032)-сонида чоп этилган хабарномадаги аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар «кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини» сўзлари ўрнига «кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини» деб ўқилсин.

***«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.***

841R/90



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 363 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5